

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ№684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 2022 йил июнь оyi давомида Наманган ЙҚТ МЧЖ нинг йўл-қуриш объектлари учун йўлбоп битум эмулсияси етказиб бериш учун.

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати – **45 000 000,0 (қирк беш миллион) сўм ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда.** Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан Хизмат кўрсатувчи билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб, 31.12.2022 йилгача.

1.4 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

II. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ 2.1. “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ,

(бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Октош шаҳарчаси, Осойишта кўчаси 70 уй

Эл.адрес: mbabdullaev@inbox.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ биносида “Буюртмачи”нинг Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

III. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, саноат ва ишлаб чиқариш объектларида хизмат кўрсатишга рухсатномаси (агар талаб этилса) бор, ҳамда банкротлик ҳолатида бўлмаган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қуйилади:

- Ишлаб чиқарувчи молиявий кўрсаткичлари барқарор бўлиши, ишлаб чиқариб берилган махсулотга, мувофиқлик сертификатига эга бўлиши;
- Талабномага асосан белгиланган вақтда белгиланган микдорда махсулотни ишлаб чиқариб бериши шарт (кафолат хати);
- Ишлаб чиқарувчи Давлат солиқ рўйхатидан ўтган юридик шахс (гувоҳнома) бўлиши ва банкротлик ҳолатида бўлмаган юридик шахс (кафолат хати) бўлиши керак..

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

IV.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИУЧУН АЛОХИДА ТАЛАБЛАР

4.1. Танловда саноат ва ишлаб чиқариш объектларида ишлаган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

